


# ЎЗБЕКИСТОН БУНУОДКОРИ



UZBUNYODKOR t.me/uzbunyodkor uzbunyodkori@umail.uz

## СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.

### Шу куннинг гаплари

Сурхондарё вилоятида 2021 йилда **6,5 трлн** сўмлик **699** та лойиҳа амалга оширилади.

Жиззах шаҳрида **15 млрд** сўм сарфланган маблаг ҳисобига беш қаватли **640** ўринли мактаб биноси фойдаланишга топширилди.

Урганч шаҳрида ўрнатиладиган **Жалолиддин Мангуберди Ҳайкали** лойиҳага кўра, баландлиги 25 метр, узунлиги 30 метр, оғирлиги 50 тонна бўлиб, бронзадан ясалган от дунёдаги энг катта Ҳайкал сифатида Гиннеснинг рекордлар китобига киритилиши мумкин.

Фарғонада ҳудудий дастурлар доирасида шу йил якунига қадар **12,1 трлн** сўм қийматидаги **893** та лойиҳа амалга оширилади ва **22 мингта** доимий иш ўрни яратилади.

Сўхда мустақилликнинг 30 йиллиги арафасида аэродром ишга тушади. Кичик авиация қатновини йўлга қўйиш учун "Навобод" МФЙ ҳудудида **самолёт ва вертолётларга учир-қўйиш майдончаси** ташкил қилинади.

## АВИАЦИЯ КОРХОНАЛАРИДА ТРАНСФОРМАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 19 апрель куни "Uzbekistan airways" ҳамда "Uzbekistan airports" акциядорлик жамиятларини трансформация қилиш чора-тадбирлари тақдироти билан танишди.

Маълумки, давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 27 ноябрдаги фармонида мувофиқ, "Ўзбекистон ҳаво йуллари" Миллий авиакомпанияси негизда иккита – "Uzbekistan airways" ҳамда "Uzbekistan airports" акциядорлик жамиятлари тузилган эди. Бугунги кунда мамлакатимиз иқтисодиётида амалга оширилаётган таркибий ўзгаришлар қаторида мазкур компаниялар ҳам трансформация қилиниши режалаштирилган. Шу билан бирга, коронавирус пандемияси билан боғлиқ иқтисодий қийин вазият авиация тармоғини такомиллаштиришни талаб этмоқда.

Ҳозир эркин иқтисодий зонада ишлаб чиқариш ҳажми тинимсиз ўсиб бораётган, дейди ЭИЗ дирекцияси директори Жамшид Ҳайдаров. – 2020 йилда бу ерда 1 триллион 300 миллиард сўмлик маҳсулот тайёрланиб, 30 миллион долларлиги экспортга йўналтирилди. Айни пайтда қиймати 90 миллион долларлик 29 та корхонани ишга тушириш мақсадида қурилиш-монтаж юмушлари олиб борилаётган.

Давлатимиз раҳбари "Ургут"га берилган имтиёзлар республикадаги барча шаҳар ва туманларда ЭИЗда фаолият кўрсатаётган тадбиркорлар фойдаланиши ва ҳар бири

лишларни ривожлантириш учун 3 та А321 NEO LR "ҳаво кемаси"ни лизингга олиш, маҳаллий авиақатновлар сонини ҳафтасига ҳозирги 17 тадан 49 гагача ошириш режалаштирилган.

Йўловчилар учун қулайликларни ошириш мақсадида соҳани рақамлаштириш, жумладан, "Aerolabs" он-лайн хизматлар кўрсатиш тизимини ҳамда мижозлар билан ишлашни бошқариш учун CRM комплексини татбиқ этиш кўзда тутилган.

Президент Шавкат Мирзиёев хизматлар қулайлиги ва сифатини ошириш орқали аҳолини авиақатновларга кўпроқ жалб этиш зарурлигини таъкидлади.

"Uzbekistan airports" акциядорлик жамияти самарадорлигини ошириш бўйича ҳам қатор чора-тадбирлар ишлаб чиқилган. Бугунги кунда ушбу жамият таркибиде 11 та аэропорт бор ва уларнинг ҳар бири мустақил филиал юритмоқда.

Тақдирот кўра, мазкур аэропортларни ягона бошқарув органи та-

сарруфида бирлаштириш тақлиф қилинмоқда. Молиявий барқарорликни ошириш мақсадида, халқаро тажриба асосида, харажатларни 32 фоиздан 15 фоизга тушириш, харидларни оптималлаштириш, аэропорт хизматлари учун йиғимларни 27 фоизга, жумладан, зиёрат туризми доирасида 50 фоизгача камайтириш мўлжалланмоқда.

Даромадларни кўпайтириш масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Хусусан, Тошкент халқаро аэропортида юк терминалини барпо этиб, Европа ва Шарқий Осиё ўртасида транзит ҳажмини ошириш, аэровокзал майдонларини кенгайтириш орқали савдо ва хизматлар тушумини кўпайтириш режалаштирилган.

Давлатимиз раҳбари аэропортлар инфратузилмасини ривожлантириш, йўловчи ва юк ташиш ҳажмини ҳар йили ошириб бориш, ҳудудлардаги аэропортларда кетринг ва бошқа хизматларни йўлга қўйиш бўйича кўрсатмалар берди.

Ў.А.

### Энергия тежовчи қурилмалар хариди учун компенсация тўланади

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан Энергия самардор ва энергия тежовчи қурилмаларни харид қилиш ҳамда ушбу мақсадлар учун олинган қрегутлар бўйича фоз харажатларнинг бир қисмини қоплаш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблаглари ҳисобидан компенсация ажратилиши тўғрисидаги низом тасдиқланди.

Низомга кўра, энергия самардор ва энергия тежовчи қурилмаларни харид қилиш ҳамда ушбу мақсадларга олинган қрегутлар бўйича фоз харажатларнинг бир қисмини қоплаш учун Давлат бюджети маблаглари ҳисобидан компенсация ажратилади.

## Ҳавас қиладиган маскан

Ҳамза ШУКУРОВ, "Ўзбекистон бунуодкори" мухбири.

Ургутлик одамларига ҳавас қилиб, улардан ибрат олиб яшаш керак, назаримда. Халқнинг ишбилармонлиги, бизнес юртишига қўйилган қўлмасликнинг иложи йўқ. Президентимизнинг Самарқанд вилоятига ташрифи бағишланган репортаж билан танишиб, шундай хулосага келдим. Туманинг ёшларга иш ўрни яратиб бериш, янги корхоналар ташкил этиш борасидаги тажрибаси, айниқса таҳсинга сазовор.

Биргина "Ургут" эркин иқтисодий зонасида қиймати 402 миллион доллардан зиёд 84 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилмоқда. 313 миллион долларга тенг 55 та лойиҳа бўйича ишлаб чиқариш бош-

ланган, уларда 4 328 нафар киши меҳнат қилаётган. Имкониятлардан самарали фойдаланиб истиқболли режаларга қўл урилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг тақлифи билан эндиликда обод гўшада мутахассис тайёрлашни кўпайтириш ва яхшилаш мақсадида СамДУнинг тиббиёт факультети филиали ташкил этилади. Холдинг компания очилади.

– Ҳозир эркин иқтисодий зонада ишлаб чиқариш ҳажми тинимсиз ўсиб бораётган, дейди ЭИЗ дирекцияси директори Жамшид Ҳайдаров. – 2020 йилда бу ерда 1 триллион 300 миллиард сўмлик маҳсулот тайёрланиб, 30 миллион долларлиги экспортга йўналтирилди. Айни пайтда қиймати 90 миллион долларлик 29 та корхонани ишга тушириш мақсадида қурилиш-монтаж юмушлари олиб борилаётган.

Давлатимиз раҳбари "Ургут"га берилган имтиёзлар республикадаги барча шаҳар ва туманларда ЭИЗда фаолият кўрсатаётган тадбиркорлар фойдаланиши ва ҳар бири



камида 50-100 миллион доллар инвестиция киритиш ҳисобига 200 гектар майдонда бир миллиард долларлик қўшимча саноатлашган лойиҳаларни ишга тушириш лозимлигини айтгани айни мuddа бўлди. Туман тўлиқ ЭИЗга айлантирилиб, вилоятнинг бошқа

туманларида унинг филиалларини ташкил этиш мўлжалланмоқда.

Хуллас, Ургутда бўлган киши келажакка ишонч билан қараш, янги уфқлар сари интилиш бу юрт кишиларининг қон-қонига сингиб кетганга гувоҳ бўлиши шубҳасиз.

### Қонунчиликни билинг

## Шаҳарсозлик кодексининг 6-моддаси нима ҳақида?

6-модда. Шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари шаҳарсозлик жиҳатидан режалаштириш, улар шаҳарсозлик фаолияти субъектлари томонидан бажарилиши мажбурийдир.

Шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар бўлиб:

- ҳудудларни ривожлантиришни ва қуришни шаҳарсозлик жиҳатидан режалаштириш;
- муҳандислик қидирувлари;
- лойиҳалаштириш, шу жумладан технологик лойиҳалаштириш;
- объектларни қуришни, реконструкция қилишни, мукамал ва жорий таъмирлашни, шунингдек бузишни амалга ошириш;
- объектлардан фойдаланиш, уларни таъмирлаш ёки қайта тиклаш (ишларни ташкил этиш, юритиш ва қабул қилиб олиш);
- объектларнинг муҳандислик тизимларини ўрнатиш;
- объектларнинг қийматини белгилаш;
- қурилиш материаллари, буюмлари ва конструкцияларини ишлаб чиқариш ҳамда улардан фойдаланиш чоғидаги мажбурий талабларни белгилайди.

Ўзбекистон Республикасининг геологик, табиий-иқлимий, сейсмологик ҳамда бошқа ўзига хос хусусиятларига мослаштирилган шаҳарсозлик фаолияти соҳасидаги халқаро ва хорижий норматив-техник ҳужжатлардан фойдаланишга йўл қўйилади.

Шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари тегилишидаги ахборот шаҳарсозлик фаолияти соҳасидаги махсус ваколатли давлат органининг расмий веб-сайтига жойлаштирилади.

Шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари чегарадош ер участкалари, реклама ва ахборот объектлари (конструкциялари) ҳамда бошқа кўчмас мулк объектлари мулкдорларининг, эгаларининг ва улардан фойдаланувчиларининг, шунингдек шаҳарсозлик фаолиятини амалга оширишда қайси юридик ва жисмоний шахсларнинг манфаатларига дахл қилиниши мумкин бўлса, ўша юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳуқуқлари масалалари юзасидан давлат органлари томонидан қарорлар қабул қилиниши учун асос бўлади.

## Матбуот анжумани

Самарқандда Ўзбекистон Республикаси қурилиш вазири Батир Закиров иштирокида матбуот анжумани бўлиб ўтди. Тадбир мамлакатимиз Президентининг ҳудудлардаги ўзгаришлар, аҳоли ҳаёти билан яқиндан танишиш, ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, истиқболларини белгилаш мақсадида 15-16 апрель кунлари вилоятга ташрифи якунлари ва берилган топшириқларни бажариш юзасидан амалга оширилаётган вазифалар муҳокамасига бағишланди.

Вазир журналистлар ва блогерларга Самарқандда қурилиш соҳасида рўёбга чиқарилаётган бунёдкорлик ишлари, келажак режалар шаҳарни "миллионли" аҳоли яшайдиган масканга айлантириш бўйича бажариладиган юмушлар, лойиҳалар, шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш, туризм соҳасини юқори поғонага кўтариш каби масалалар юзасидан ахборот берди.

Шунингдек, "Шаффоф қурилиш" тизими асосида иш юритиш, мавжуд меъёрлар ва кодексларга риоя этиш, қурилишларда назоратни кучайтириш, мамлакатдаги айрим бино ва иншоотларни тиклаш, уларда юзага келадиган камчиликларни бартараф этиш ҳақида сўз юритилди, барчани қизиқтираётган саволларга жавоб изланди. Жумладан, шу кунларда ижтимоий тармоқларда шов-шувга сабаб бўлган "12-трест" атрофидаги машмасалар, "Шаҳидлар хибони" реконструкцияси, "Наврўз" қабуллар уйининг "снос"га тушиши, ЮНЕСКОнинг маданий меросига киритилган Шаҳрисабзнинг қадимий қиёфасини сақлашга оид саъй-ҳаракатлар, вилоятларда қурилган ноқонуний уй-жойлар, талабга жавоб бермайдиганларини бузиш ва бошқа шу каби салбий ҳолатларга эътибор қаратилди.

Анжуман иштирокчилари ўзларини қизиқтирган барча саволларига жавоб олишди.

Ўз мухбиримиз.

## ИСЛОҲОТЛАР эртанги кунга хавотир эмас, ишонч билан қарашга хизмат қилмоқда

Инсоннинг ўз бошпанаси бўлиши катта бахт. Шунинг учун сўнгги йилларда мамлакатимизда ҳар бир оила шундай бахтни ҳис қилиши учун имкониятлар тобора кенгаймоқда.



Тан олиш керак, яқин ўтмишимизда нафақат шаҳарда, балки қишлоқларда ҳам уй-жой етишмовчилигидан қанчадан-қанча оилалар азият чеккани бор гап. Масалан, пойтахтимизда кўпгина салоҳиятли кадрлар ижарама-ижара сарсон-саргардон юриб, охири ҳаммасига қўл

силтаб, қишлоғига ёки ишлаш учун чет элга кетгани айни ҳақиқат.

Афсуски, шунча имконият бўла туриб, йиллар давомида юртимизда уй-жой қурилишини кўпайтириш учун деярли ҳеч нарса қилинмади. Устига-устак, "прописка" деган тизим кўпчиликнинг тинкасини қу-

# ИСЛОҲОТЛАР эртанги кунга хавотир эмас, ишонч билан қарашга хизмат қилмоқда

1-бет

– Бир қиз, тўрт ўғилни воёга етказдим. Қизимни узатдим, ўғилларимни уйлантирдим. Кейин муаммолар гирдобда қолдим, – дейди зангиоталик меҳнат фахрийси Иброҳим ота. – Тасаввур қилинг, тўрт келин бир уйда. Бунинг устига, невараларим бор. Тўғриси айтсам, ўтган йиллар давомида болаларимнинг кўзига қарашга уялардим. Неча тонгларни йўлаб отирганим ўзимга аён. Келинларимни ёмон демайман, лекин жанжал учун ҳар кун бир сабаб бор. Ана шу жанжаллар оқибатида иккинчи ўғлимнинг хотини кетиб қолди. Мана шу уй-жой муаммоси деб, икки неварамни уч йил қуришга муштоқ бўлдим. Ҳамма ҳам ўз уй-жойи, бошпанаси бўлишини хоҳлайди. Лекин беш қўл баробар эмас, деганидек, ҳаммада ҳам бунинг учун моддий жиҳатдан имконият йўқ. Шу боис, айрим оилалар йиллаб бизга ўхшаб қийналиб яшади. Бугун ана шундай оилалар оғирини енгил қилган инсонлар қатори биз ҳам Президентимиздан жуда миннатдоримиз. Берилган имкониятлардан фойдаланиб, имтиёзли асосда болаларимни уй-жойли бўлди. Оиласи тинч. Келинимиз ҳам қайтиб келди. Инсон учун фарзандларнинг қувончини қўришдан ортиқ бахт йўқ экан.

Бу – амалга оширилаётган ислохотлар билан қанчадан-қанча оилалар сақланиб қолинган, одамлар эртанги кунга хавотир эмас, ишонч билан дадил боқётганига аҳли мисолдир.

Ҳа, бугун юртимизда аҳоли турмуш даражасини яхшилаш, фаровонлигини ошириш, уларни замонавий уй-жойлар билан таъминлаш масаласи давлат сийосатининг муҳим йўналиши этиб белгиланган.

Маълумотларга кўра, ўтган тўрт йилда 140 мингта уй-жой барпо этил-

ди. Бу аввалги йиллардаги кўрсаткичдан 4-5 баравар кўп.

Президентимизнинг 2016 йил 21 октябрдаги “2017-2021 йилларда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш дастури тўғрисида”ги қарорлари ана шундай марраларга эришишга пойдевор бўлди.

Яна минглаб уй-жойлар қуриш, соҳада лойиҳа ва қурилиш сифатини ошириш, малакали мутахассислар тайёрлаш борасидаги ишларни жадаллаштиришни ҳаётнинг ўзи талаб қилмоқда.

– Аҳолини уй-жой билан таъминлаш, бу борада танлаш имкониятини кенгайтириш борасида қатор тизимли ишлар амалга оширилмоқда, – дейди қурилиш вазири Батир Закиров. – Энг муҳими, бугун ким уй-жойини янгиламоқчи бўлса, унга ипотека кредитлари ажратилади. Ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга субсидиялар берилмоқда. Жорий йилда 54 минг оилани уй-жой билан таъминлаш мўлжалланмоқда. Жумладан, давлат ипотека дастури доирасида жами 45 минг хонадонли кўп қаватли уй-жой қурилади.

– Икки фарзандим билан 14 йилдан бери ижарама-ижара кўчиб юргандик, – дейди Сергели туманида яшовчи Шаҳноза Жўрабоева. – Биз ушалмас орзу деб ўйлаган ниятимиз амалга ошди. Уйимиз барча зарур эҳтиёжлар пухта ҳисобга олиниб қурилган. Айниқса, болаларимизнинг дарс қилиши, уйнаши учун яратилган шароитлар бизни хурсанд қилди. Янги уй олганимизга қарий бир йил бўляпти. Яшаш шароитимиз ўзгарди. Рўзгоримизга барака кирди,

ишимизда унум бор. Қачон уй эгаси келиб чиқариб юбораркан, деган хавотирдан қутулдик. Болаларимнинг таълим-тарбияси ҳам ўзгарди. Қани энди, шундай ишлар олдинроқ бўлганида, 14 йил умримиз саргардонликда ўтмаган, бундан ҳам катта ютуқларни қўлга киритган бўлардик.

Мутасаддиларнинг таъкидлашича, 2021 йилда уй-жойларни сифатли ва муддатда қуриш учун барча зарур чора-тадбирлар қўрилмоқда. Жумладан, 45 минг хонадонли уйлар учун 7 хил намунадаги энергиятежамкор лойиҳалар ишлаб чиқилди. Аҳоли пунктларидаги 175 та яхлит массив ўрганилиб, танлаб олинди. Бу массивларда 70 тагача уйни жойлаштириш ҳамда аҳоли учун янги иш ўринларини яратиш мақсадида ижтимоий ва саноат объекти барпо этилди.

Бунда муҳандислик-коммуникация тармоқлари мавжуд ҳамда геологик жиҳатдан энг мақбуллари инобатга олинди. “Ягона буюртмачи хизмати”, “Қишлоқ қурилиш инвест” ва “Ўз-шаҳар қурилиш инвест” инжиниринг компаниялари уй-жой массивлари қуриш лойиҳаларини ишлаб чиқишни ва ташқи коммуникацияларни қуриш амалга ошириши белгиланди.

– Давлатимиз раҳбари ҳамиша қурилиш сифатиغا алоҳида эътибор қаратади, – дейди Батир Закиров. – Жорий йилдан бошлаб ҳар бир лойиҳа ипотека веб-порталига жойлаштирилади. Уйларнинг бўлажак эгалари бу ерда қурилиш сифатини ҳам назорат қилиб бориш имкониятига эга бўлади. Шунингдек, Қурилиш вазирлиги сайтыда намунавий лойиҳа базаси мунтазам бойитиб борилади. Мазкур тизимдан бугун барча бепул фойдаланмоқда.

Шу пайтгача қурилган уй-жойларнинг 15-20 фоизи энергиятежамкор

эди. Жорий йилда қурилаётган 45 мингдан ортиқ кўп қаватли уй-жойнинг барчаси энергиятежамкор бўлади. Бу эса, ўз навбатида, уй эгалари харажатлари кескин камайишига хизмат қилади. Жумладан, электр энергиясидан қирқ фоизгача, газдан икки ярим баробар иқтисод қилиш мумкин бўлади.

Аҳамиятлиси, соҳага ахборот технологияларини кенг жорий қилиш очкилик ва шаффофлиқни таъминламоқда. Хусусан, “Шаффоф қурилиш” тизими ишга туширилди. Бу ерда молиявий барқарор, етарли моддий-техник базаси ва салоҳиятли мутахассисларга эга пудрат ташкилотлари рўйхати шакллантирилди ва рейтинг белгиланадиган бўлди. Тизимдаги барча маълумотлар очиқ, шаффоф ҳолда бериб борилади. Бу ҳам, ўз навбатида, қурилиш сифатини яхшилашда муҳим аҳамиятга эга. Қолаверса, уйларнинг бўлажак эгалари тизим орқали қурилиш жараёни ва сифатини онлайн режимида кузатиб бориши мумкин. Аҳолига яқка тартибдаги уйлар қуриш намунавий лойиҳалари ҳам бепул фойдаланиш учун вазирлик веб-сайтида жойлаштирилади ва доимий янгиланади.

Бир сўз билан айтганда, бугун мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида кўлга киритилаётган ютуқлар кўнгилда фахр туйғуларини жўш урдиради, шу ислохотларнинг бир бўлаги эканидан гурурланасан. Бундай яратувчанлик, бунёдкорлик руҳи янги марраларни забт этишга чорлайди. Халқимизнинг, миллатимизнинг бахт-саодатини, мамлакатимизнинг ёрқин келажагини яратиш эндиликда улуг мақсадга айланган. Зеро, бугун барча ишларимиз, фаолиятимиз, ҳатто ҳаётимиз ҳам ана шу улугвор мақсадга эришишга қаратилган.

(“Янги Ўзбекистон” газетасидан олинди).

# Янги Чодакда ер ўзлаштирилмоқда



Нурбек АБДУЛЛАЕВ, “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Поп – Наманган вилоятининг энг катта тумани ҳисобланади. Кейинги йилларда ҳудудда деҳқончиликни кенгайтириш борасида катта ишлар олиб борилмоқда. Бу, қишлоқ хўжалик мақсулотлари етиштиришни кўпайтириш орқали мамлакатда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга салмоқли ҳисса бўлиб қўшилади ва кўплаб иш ўринлари яратилади.**

Баҳорнинг дастлабки кунларида Янги Чодак деа ном олган мазкур массивда дастлабки 100 гектар майдонда боғ барпо этишга киришилди. Бунинг учун ерни тайёрлаш билан бирга сув таъминоти масаласи ҳам ҳал этилди. Яъни умумий сифими 15 минг кубометрга тенг мембрана ҳовузлири бунёд этилди.

– Янги Чодак массивига йўлим тушганда, – дейди халқ депутатлари Поп тумани кенгаши депутати Мафтуна Маматова. – Ажойиб ишлар бошланибди. Бундан маҳаллий аҳоли ҳам хурсанд. Яна бир неча йилдан кейин қирларда боғлар пайдо бўлади.

Шу ўринда янги экинзорларни барпо этиш учун етарли миқдорда инвестициялар ажратилганини ҳам қайд этиш лозим. Бунинг учун 4 миллиард сўм маблағ ажратилиш кўзда тутилган. Шундан 1,5 миллиард Поп туманида фаолият учун шароит яратилганидан хурсанд. Энди ундан тўлақонли фойдаланиш учун астойдил меҳнат қилиши кераклигини яхши тушунади.

Қамчиқ домини бикинида, Чодак қишлоғининг юқори қисмида жойлашган етти минг гектарга яқин ерни ўзлаштириш кўзда тутилган. Ҳозирги кунда бу ерда катта ҳажмда иш олиб борилмоқда. Бульдозер ва скрейперларнинг наъраси атрофни тутган.

# Ёшлар бугунимиз ва эртанги кунимиз давомчилари

Жамшид ХОДЖАЕВ, Ўзбекистон ёшлар ишлари агентлиги Навоий вилояти бошқармаси бошлиғи, сенатор. ЎЗА.

**Юртимизда ёшлар учун барча имкониятлар эшиги очиб берилмоқда. Айниқса, тезкорлик ва жадаллик билан ривожланиб бораётган дунё мамлакатлари қаторида Ўзбекистон ёшларининг етакчи ўринда бўлмоғи, бу йўлда барча бирдек ҳаракат қилиши лозимлиги ҳар битта олиб борилаётган ислохотда дастуруламал сифатида белгилаб берилган.**

Хусусан, Президентимизнинг жорий йилнинг 13 апрель куни ўтказган навбатдаги видеоселектор йиғилишида ҳам ёшларимизнинг келажаги ва эртаси йўлида изчил давом этаётган жараёнларда барча ташкилот раҳбарини ҳодимлари масъулият билан ёндашиши кераклиги айтиб ўтилди. Ушбу йиғилишда ёшларнинг бандлиги, уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш борасида қатор имкониятлар ва вазифалар белгилаб берилди.

Чунончи, “Ёшлар дафтари”га киритилган ёшлар ва меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларига ҳайдовчилик гувоҳномасини олиш, бир ойлик ҳарбий хизматни ўташ харажатлари бюджетдан ўшлар берилиши қанчадан қанча ёшларнинг орзу-истаклари рўйи би десак, муволага бўлмайди. Бунинг замирида халқимизнинг фарзандлар тақдирига бефарқ эмаслигини яна бир бор гувоҳи бўламиз. Илло, ўз ота-онасининг меҳридан мосуво бўлган, катталарнинг гуноҳи, хатоларига жавобгар бўлиб, “Меҳр уйлари”да мунгли кўзалари билан боқиб турган болаларимиз тақдирга бугун давлатимиз беэътибор эмас. Уларнинг жамиятда муносиби ўрин эгаллаши, ўз эзгу йўлларини танлаб олишида биз кўмакдош бўлишимиз лозим эканлиги ҳар биримизга улкан масъулият юклайди.

“Бир миллион дастурчи” лойиҳаси доирасида сертификат олган ёшларга компьютерлар хариди учун “Микрокредитбанк”, “Алоқабанк” ва “Халқ банки”дан имтиёзли кредитларнинг ажратиби берилиши – бу соҳага қизиқувчи ёшларимизга яна бир қўлайлик бўлди. Энди улар хоҳ шаҳар, хоҳ қишлоқ бўлсин ўзларининг лойиҳалари учун керак бўладиган техникаси бор. Улар янги Ўзбекистонга янги таклифлар, лойиҳалар кирита олади.

Айни кунда, юртимизда ўз тадбиркорлигини йўлга қўйган ёшларимиз талайгина. Хоҳлаймизми, йўқми, бу соҳада бир қанча тўсиқлар мавжудлигидан хабаримиз бор. Айниқса, муаммоларга сабаб бўлаётган ижара ҳақи, аукционга қўйилаётган давлат мулкларини қабилад ёш тадбиркорларнинг муаммосига айланмоқда. Буларни ўрганиб ва таҳлил қилиб чиққан давлатимиз раҳбари ёш тадбиркорларга янги шарт-шароитлар эшигини очиб берди.

Хусусан, ижарага бино олиб бизнесини бошлаётган ёшларга бир йиллик ижара суммасининг 30 фоизгача қисми қоплаб берилиши, ҳодимлари сонининг камида 70 фоизи “Ёшлар дафтари”га кирган ёш тадбиркорларга давлат мулки аукционсиз ажратилиши ва улардан 5 йил давомида ижара ҳақи ундирилмаслиги, “Ёшлар дафтари”га кирган 5 нафардан ортиқ ишсиз бандлигини таъминлаган ёш тадбиркорларга давлат мулки ижараси учун 50 фоизгача имтиёзлар берилиши фикримиз исботидир. Бугун бизга минглаб, миллионлаб қараб турган кўзларнинг қуёшдек чанқаб туришида, биз суянч ва таянч бўлмоғимиз даркор.

Ёшлар – Ўзбекистонимизнинг келажаги. Улар даҳо аждодларнинг нуносиб ворислари, ёруғ осмонимизнинг сўнас юлдузлари, бугунги азим чинорларнинг бағрида ўсиб-ўнаётган барқарор нав-ниҳоллардир. Шундай экан, ёшларимиз бундай шароит ва имкониятлардан оқилона фойдаланиб, юртимизнинг, она халқимизнинг эртаси учун камарбаста бўлишга ҳаракат қилиши шарт. Зеро, бир кун бу ниҳоллар ҳам азим чинорлар сафидан ўрин олади.



# Яна 70 нафар киши ишли бўлади

Наманган туманида аҳоли бандлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга кўплаб инвестиция объекти босқичма-босқич ишга тушмоқда.

Шундай инвестицион лойиҳалардан бири “Nam Motor Servis” масъулияти чекланган жамияти туманининг “Катта Тошбулоқ” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган. Корхона электр двигателлари ишлаб чиқариш билан шуғулланади.

Корхонанинг умумий лойиҳа қиймати 30,1 миллиард сўмдан иборат.

Жорий йил 19 март ҳолатига ушбу лойиҳанинг биринчи босқичи учун 20 миллиард сўм маблағ сарфланиб, қурилиш ишлари якунланди. Хитой Халқ Республикасининг “Fujian Haineng Electrical Co., Ltd” компаниясидан технологиялар олиб келиниб, ишга туширилди. Натижада 70 та иш ўрни яратилди.

2021-2022 йилларда қўшимча бино қурилиб, лойиҳанинг иккинчи босқичи ишга туширилиши режалаштирилган. Ушбу босқичда яна 70 нафар киши иш билан таъминланади.



Суратларда: “Nam Motor Servis” масъулияти чекланган жамиятида. Ҳотам МАМАДАЛИЕВ (ЎЗА) олган суратлар.

# Йўллар таъмирланади

Шухрат НОРМУРОДОВ, “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Бугунги кунда Қашқадарё вилояти ҳудудида 22 минг 15 километр автомобиль йўллари мавжуд. Шундан 3 минг 487 километр умумфойдаланув (437 километр халқаро, 926 километр давлат, 2 минг 124 километр маҳаллий аҳамиятдаги) ва 18 минг 548 километр ички хўжалик йўллари ташкил этади. Мазкур йўлларда 1 минг 432 та кўприк жойлашган бўлиб, айни дамда уларнинг 89 таси таъмирга муҳтож.**

2021 йилда тегишли қарор ва дастурлар асосида вилоятдаги 1 минг 905 километр, шундан 1 минг 605 километр ички йўллар ва 300 километр умумфойдаланув йўлларида қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилиши белгиланган. Ушбу мақсадлар учун эса 449,5 миллиард сўм маблағ ажратилиши кўзда тутилган.

Шунингдек, “Обод қишлоқ” дастурини 2021 йилда амалга ошириш бўйича вилоятнинг 13 та туманидаги 26 та қишлоқ аҳоли пунктида 468,7 километр (шундан 178,2 километр асфальт ётқизиш ва 290,5 километр йўлларга шағал ётқизиш) узунликдаги ички йўллар таъмирланади, бу ишлар учун 120,2 миллиард сўм маблағ ажратилган. “Обод маҳалла” дастури бўйича Қарши ва Шаҳрисабз шаҳарларидаги 4 та маҳаллада 46,7 километр ички кўчаларда таъмирлаш ишлари олиб борилади ва бунга 21,3 миллиард сўм маблағ ажратилади.

# Уйғунликда иш юритиш – натижага эришишнинг муҳим омили

Зайлобиддин ЙИГИТАЛИЕВ, “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Барча шаҳар ва туманларда аҳоли учун янги, замонавий турар жой бинолари қуриш, фойдаланишда бўлганларини қайта реконструкция қилиш ишлари Фарғона вилоятида ҳам режа асосида олиб борилмоқда.**

Вилоят қурилиш бош бошқармаси берган маълумотларга кўра, 2021 йил Инвестиция дастурига киритилган ижтимоий соҳа ва инфратузилма объектиларининг лойиҳа-смета ҳамда шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб

чиқиш, энергия тежамкор материаллар ва технологиялардан унумли фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Хусусан, жорий йил 141 та объект Инвестиция дастурига киритилган бўлиб, уларнинг 36 таси йилдан-йилга ўтувчи ва 105 таси янгидан бошланиши режалаштирилган. Ҳозирда 138 та объектга экспертиза хулосаси олинган. Далалатномалари расмийлаштирилган 5 та объектнинг 3 таси Тошлоқ, Данғара ва Қўштепа туманларидаги МТТ, 1 таси соғлиқни сақлаш объекти, 1 таси Президент мактабидир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 5 февралдаги “Қурилиш соҳасида электрон давлат хизматларини ташкил этиш ва

ўтказиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 55-сонли қарори ижросини таъминлаш борасида вилоят ҳудудидаги 61 та объект электрон порталга жойлаштирилган.

Бундан ташқари, “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурларининг ижросини таъминлаш мақсадида 38 та қишлоқ ва маҳаллаларда қурилиш-бунёдкорлик ишлари олиб борилмоқда.

– Дастурга кўра, барпо этилиши режалаштирилган кўп қаватли турар жойлар массивлари учун ер майдонларини танлаш ва тегишли муҳандислик тармоқлари билан таъминлаш бўйича лойиҳалар ишлаб чиқилмоқда, – деди вилоят қурилиш бош бошқармаси бошлиғи Акрамжон Раҳмонов. – Шу

мақсадда Республика махсус комиссияси билан келишилган ҳолда 15 та шаҳар ва туманларда 2 760 хонадонли 97 та турар жой массивларини барпо этиш йўлида ишлар ўз вақтида сифатли амалга ошириляпти.

Айни кунларда вилоятда қурилиш-монтаж ишлари жадаллик билан амалга ошириляётган 97 та кўп қаватли уй-жойлар буюртмачиларининг 33 таси “Қишлоқ қурилиш инвест” ИК ва 45 таси хусусий сектор (тадбиркор)ларни ташкил қилади.

Ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш мақсадида жорий йилнинг 1-чорагида 135 та объектига 764 067,1 миллион сўм маблағ сарфланиди. Бу йўналишдаги ишлар жадаллик билан бормоқда.

# Тошкент воҳасининг тоштахти – ОҲАНГАРОН

Ислом ИБДУЛЛА,  
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**“Eurocement group” холдинги таркибига кирувчи “Охангаронцемент” корхонаси негизда қурилиш материаллари ишлаб чиқариш бўйича саноат кластери ташкил этилди. 200 миллион долларлик инвестициялар киритилган кластер “куруқ” усулда йилгига 3 миллион тонна цемент ишлаб чиқариш қувватига эга. Шунингдек, йиллик 100 минг куб метр юқори маркали бетон ва темир-бетон, 4 минг тонна оловга бардошли ғишт ишлаб чиқариш қувватига эга. Корхонанинг 60 йиллиги арафасида заводга бир гуруҳ журналистлар иштирокида пресс-тур уюштирилди.**

Эрталабдан Тошкент воҳасининг жануби-шарқи – Охангарон томони йўл олди. Бош шахримизнинг янги қурилишлар-у бузилишлардан “эскирган” ҳавоси ўрнини бир онда воҳанинг баланд тоғ этаклари-ю қир унгуриларидан сизиб чиққан саррин еллари босди. Кичик автобусда га-ла-говур солиб кетаётган газетчиларнинг тоза ҳаводан кайфияти янада кўтарилган:

– Воҳ, қаранглар, – деди русийза-тор бир газетчи. – Қачон шаҳардан ташқарига чиққанимни билмайман. Бунақа тоза ҳавони олтинга ҳам топол-маймиз!..

– Бу сайёр ижодий турни айна шу пайтга мўлжаллашганига раҳмат! – деб гап қўшди қўрдагилардан бошқаси.

Уловнинг орқа ўриндиғида тенгдош сураткаш йигит билан гурунглашиб кетарканмиз, текис асфальт йўл ёқаси-дан узоқ тоғолди адирларгача чўзилиб ётган буғдой далаларига кўз югуртирдик. Элас-элас йўлимизга, қайсики, кенг чуқурларнинг кунгай нишабликлари-дара паҳса деворли сийрак уйлاردан иборат қишлоқлар пеш чиқади. Ажиб манзарадан дили ҳапқирган сураткаш фотоаппаратини ишга солади. Муссаф-фо ҳаво оқимидан кимлардир сармаст уйқуга толади. Темир арава тин бил-майди. Тирқишлардан ичкарига ҳуш-шув шабада сизади...

Бирон соатлик йўлчиликдан сўнг Охангарон шахрига кириб бордик. Ушбу шаҳар воҳанинг асосий иқти-содий қон томирларидан бири. Бир тарафда текстиль тармоқлари, бир тарафда яна бошқа саноат корхона-ларининг улкан бинолари бирин-кетин пешвоз чиқяпти. Мана, ниҳоят “Охан-гаронцемент” АЖ саноат худуди осто-насига келиб тўхтадик. Журналистлар-ни шу ерда бир гуруҳ масъуллар қарши олишди. Бироз нафас ростлагач, за-воднинг автоматлаштирилган бошқа-рув тизими билан танишдик. Кейин корхона ва ҳамкор жамиятлар вакил-лари билан очик анжуман бошланди.

Айтиш жоизки, ушбу завод Урта Осиёда ва МДҲ мамлакатларидаги энг йирик ҳамда замонавий корхона-лардан бири бўлиб, ишлаб чиқариши тўлиқ автоматлаштирилгани ва энергия ресурсларини кам истеъмол қи-лиши билан ажралиб туради. Ишлаб чиқаришни бошқаришда энг янги тех-



нологиялар жорий қилинган ҳақиқий рақамли завод майдонида 85 та янги филтёр тизимлари ўрнатилди ҳисобига атроф-муҳитга таъсирини камайти-ришга эришилган.

– Ушбу заводнинг тарихи 1961 йил-ларга бориб тақалади ва янги линия-нинг қурилиши мамлакатимиз мус-тақиллигининг 30 йиллигига муносиб туҳфа бўлди, – дейди “Охангаронце-мент” АЖ бош технологи Улуғбек Умар-алиев. – 2018 йилнинг октябрь ойида майдони 10 гектарни ташкил этадиган янги линия қурилишига тамаля тоши қўйилган.

2021 йилнинг 28 январь кунини эса, клинкер куйдириш цехида айланма печь ишга туширилди ва 12 февраль кунини саноат усулида бирин-чи марта юқори сифатли 500 марка-ли портландцемент олинди. Бешин-чи авлод ишлаб чиқариш усқуналари билан жиҳозланган ушбу завод тўлиқ автоматлашган бўлиб, инсон омили таъсири минимум даражада қисқарти-рилган. Бугунги қувватга кўра, “Охан-

гаронцемент” Урта Осиёдаги энг катта цемент ишлаб чиқариш корхонасига айланди. Маҳсулотлар, асосан, ички бозорга йўналтирилмоқда. Мамлака-тимиз қурилиш саноати учун йил охи-рига қадар яна 8 та шундай лойиҳа ишга туширилиши кўзда тутилган.

Завод маҳсулотларининг кенг асорт-тимида юқори маркали цементнинг ўрни алоҳида. Ушбу хомашё Ўзбеки-стондаги турли йўл тўшама, аэродром қопламалари, турар жой, офис ва савдо бинолари, атом электр станциялари, электростанциялар қурилишида кенг қўлланилади. Корхонанинг ишга туши-рилиши қурилиш материаллари класте-рини ишлаб чиқарилган билан бир қаторда, зилилабардош бетон ва темир-бетон маҳсулотлари, цемент ва металлургия саноати учун оловга бардошли ғишт ва республиканинг тобора ўсиб бораётган қурилиш комплекси учун бошқа замо-навий маҳсулотлар ишлаб чиқариш-нинг инновацион технологияларини жорий этишни таъминлайди.



# Адлия бошқармаси янги бинода

Ҳилола ИСМАТОВА,  
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Навоий вилоят адлия бошқармасининг янги маъмурий биноси фойдаланишга топширилди.**

Унинг очилишида Ўзбеки-стон Республикаси адлия вазири Русланбек Давлетов, Навоий вилоят ҳокими Қобул Турсунов ва бошқа қатор давлат орган-лари раҳбарлари иштирок этди. Янги бинода 41 та хона бўлиб, ходимлар учун барча шароитлар мавжуд. Бинода катта ва кичик мажлислар зали, фуқароларни қабул қилиш, кутиш хоналари, фахрийлар хонаси, спорт зал, медиа маркази замон талаблари асосида жиҳозланган.

– Кенг, ёруғ, замонавий жи-ҳозлар билан таъминланган хо-наларда ишлашнинг гашти ўзга-ча, – дейди адлия бошқармаси ходими Дилдора Каттаева. – Бинода коммунал хизматларнинг йўлга қўйилгани қурувчиларнинг беминнат хизмати самарасидир. Ходимларнинг бўш вақтини маз-муни ўтказиш учун ташкил этил-ган кутубхона ҳуқуқий ва бадий адабиётлар билан бойитилиб, ин-тернет тармоғига уланган. Узига хос бўлган музейда адлия бош-қармаси тарихига оид қизиқар-ли маълумотлар билан танишиш имкони мавжуд.

Шунингдек, бошқармада журналистлар иштирокида пресс-тур ҳам ўтказилди. Унда вилоят адлия бошқармаси ҳамда туман (шаҳар) бўлимлари томонидан 2018-2021 йилларда амалга оширилган ишлар тўғри-сида маълумот берилди.

Жумладан, кейинги даврда қонун ҳужжатларини такомил-лаштириш юзасидан 497 та таклиф, 111 та маҳаллий дав-лат ҳокимияти органларининг норматив тусдаги қарорлари ҳуқуқий экспертизадан ўткази-либ, тарғибот тадбирлари ман-зилли шаклда амалга оширил-ган. Бундан ташқари, 2 200 дан ортиқ мурожаатлар сайёр қабул-лар давомида қонуний ҳал қи-линиши таъминланди. Марказ-дан олис ҳудудларда тарғибот тадбирлари ўтказилиб, 24 000 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар матнлари давлат ор-ганлари ва ташкилотларнинг туманлар (шаҳарлар) тузилма-ларига етказилди.

Ижтимоий-иқтисодий соҳада ҳуқуқни қўллаш амалиётини ўр-ғани бундан 2020 йилда қонун ҳужжатларини такомиллашти-риш, ўзгартириш ва қўшимча-лар киритишга қаратилган 45 та таклифлар Адлия вазириликка юборилган.

Пресс-тур давомида шу син-гари кўплаб қилинган ишлар ҳамда рижалаштирилган ваз-фаларга тўхталиб, қатнаши-ларнинг саволларига жавоблар берилди.

# Пиёдалар йўлаги – соғлиқ гарови

Зиё СИРОЖ,  
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Мамлакатимиз ижтимоий ҳаётида шаҳарларнинг роли ортиб бормоқда. Шаҳар аҳолиси кўпайгани сари қурилишлар ҳамини ҳам ошлапти. Бу омиллар ўз-ўзидан беминнат ёрдамчи ҳисобланадиган автомобилларнинг кўпайиши, шаҳар кўчаларида пиёдалар ва велосипедчилар учун алоҳида ҳаракат йўлакларини ташкил этишни талаб қилади. Андижон шаҳри кўчаларида ана шундай йўлаклар тобора кўпаймоқда.**

Республикамызда оммавий спортнинг ри-вожланишига катта эътибор қаратилётган шу кунларда бу анъана янада кенг қўлоқ ёй-ган. Зеро, спорт турлари орасида велосипед ҳайдаш инсон танасини ҳаракатга келтириш орқали саломатлигини асрашда муҳим аҳами-ят касб этади.

– Эрта тонгдан фаолиятимни велосипед-да ҳаракатланиш билан бошлайман, – дейди меҳнат фахрийси Турсунбой Аҳмадалиев. – Бунинг учун алоҳида йўлаклар барпо этил-гани айна муддао бўлди. Ҳар кун беш-олти километр масофани босиб ўтиш орқали са-

ломатлигимни тиклаётман, автомобиллар сони кўпайган бугунги даврда бу каби йўлак-чаларнинг аҳамияти катта бўлмоқда.

Айна пайтда ҳам жойларда велосипед йўлакчаларини қуриш ишлари давом этапти. Жумладан, Андижон шаҳридаги кичик даҳа-ларда салкам 3 километр масофада қизил рангли йўлакчалар фойдаланишга топширил-ган бўлса, кўп қаватли уйлarning кўчаларида бу каби бунёдкорлик ишлари давом этапти.

Амалга оширилётган бу каби хайрли ишлар табиийки, энг аввало, ҳамюртларимиз манфаатига хизмат қилади.

# ОБЪЯВЛЕНИЕ О РЕЗУЛЬТАТАХ

## НАЦИОНАЛЬНЫХ КОНКУРСНЫХ ТОРГОВ 2021-01

Проект: “Строительство современных жилых домов в сельской местности” (Фаза-2)

с участием Исламского банка развития

Форма финансирования: Истисна’а

ПРОЕКТ № УЗБ-1004

ООО ИК “Кишлоқ қурилиш инвест”

Тендерные торги по отбору подрядных организаций для строительства пяти 5-этажных, 1-, 2- и 3-х комнатных, 40 квартирных жилых домов по типовым проектам в сельской местности Бу-харской области проводились с 5 марта по 14 апреля 2021 года,

согласно объявлениям, опубликованным в газете “O‘zbekiston bunyodkori” №17-18 (468-469) от 05.03.2021 г. и №19 (470) от 12.03.2021 г., и размещённым на веб-сайте www.qqinvest.uz и www.tenderweek.com.

Результаты тендерных торгов и сумма победителей указаны в нижеприведенной таблице:

№ Лота	Наименование региона	Наименование массива	Многоэтажный дом с 1-, 2- и 3-х комнатными квартирами			Победители	Предложение победителя торга (сум)
			кол-во домов	кол-во квартир	№ дома		
	Бухарская область	1	5	200		5	39 307 347 054,60
ИБР-5	Алатский	Халифа	1	40	1	Консорциум ООО “SOXTMONI RUSHNOIY” (лидер) и ООО “BUXREM STAL STROY” (партнер)	7 921 506 912,50
ИБР-6	Алатский	Халифа	1	40	2	Консорциум ООО “KAMOLOV MUXTOR JAMOLOVICH” (лидер) и ООО “NAVROZ-AKMAL STORY INVEST” (партнер)	7 920 811 856,00
ИБР-7	Алатский	Халифа	1	40	4	Консорциум ООО “BOBIR BUXORO QURILISH” (лидер) и ООО “SALOXIDDIN ZUXRIDIN BAFO” (партнер)	7 587 191 449,00
ИБР-8	Алатский	Халифа	1	40	5	ООО “PRO MONTAJ STROY”	7 938 918 418,55
ИБР-9	Алатский	Халифа	1	40	6	ООО “PRO MONTAJ STROY”	7 938 918 418,55

# “Qoraqalpoq mulk markazi” МЧЖ

бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдога таклиф этади!

Аукцион савдога “Беруний Агросервис МТП” МЧЖнинг 2021 йил 16 апрелдаги 7-сонли алоқа хатига асосан, “Беруний Агросервис МТП” МЧЖнинг 100 фоиз улуши чиқарил-моқда. Бошланғич баҳоси – 1 512 263 852 сўм. Аукцион савдо 2021 йил 20 май кунини соат 11.00 дан бошлаб Нукус шаҳри, А. Шамура-това кўчаси, 117-“Б” манзилида жойлашган “Qoraqalpoq mulk markazi” МЧЖ биносида ўт-казилади.

Аризаларни қабул қилишнинг охириги муда-дати: аукцион савдодан бир кун олдин соат 18.00 да тўхтатилади.

Юқорида қайд қилинган улуш 2021 йил 20 май кунини соатилмаган тақдирда, такрорий аук-цион савдо 2021 йил 31 май кунини соат 11.00 дан бошлаб кўрсатилган манзилда бўлиб ўти-шини олдиндан маълум қиламиз.

Савдо ғолиби деб топилган шахсларга 20 иш кунини ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Аукцион савдода иштирок этиш истиаги-даги талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 га қадар қа-бул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти).

Савдода қатнашиш учун талабгорлар мўлк бошланғич баҳосининг 1 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини сав-до ташкилотчиси “Qoraqalpoq mulk markazi” МЧЖнинг куйидаги ҳисоб рақамига тўлашлар-и шарт: 2020 8000 2049 4201 6001 АТ “Ту-ронбанк” Нукус филиали, МФО 00585, СТИР 302 129 374 ОКОНХ 84200.

Аукцион савдо ўтказиладиган манзил: Ну-кус шаҳри, А. Шамуратова кўчаси, 117-“Б” уй. Тел.: 61-222-84-44.

Расмий сайтими: www.rmm.uz 9506 рақамли гувоҳнома.

# “Respublika mulk markazi” МЧЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдога таклиф этади!

Аукцион савдога Андижон вилояти, Хон-обод шаҳрида жойлашган “Андижон ГЭС” унитар корхонасининг 2021 йил 19 апрелдаги 01-11/143-сонли бюртманомасига асосан, Наманган вилояти, Учқўрғон тумани манзили-да сақланаётган куйидаги мўлк қўйилмоқда: Склад ТКС 15х38 ангар қрыша. Бошланғич баҳоси – 41 370 872,8 сўм.

Аукцион савдо 2021 йил 21 май кунини соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади.

Аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик). Аризаларни қабул қи-лишнинг охириги муддати: 2021 йил 19 май кунини соат 16.00 гача.

Юқоридаги мўлк 2021 йил 21 май кунини со-тилмаган тақдирда такрорий савдо 2021 йил 7, 24 июнь кунлари соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади. Такрорий савдо учун аризалар-ни қабул қилишнинг охириги муддати савдо бўлишидан бир иш кун олдин соат 16.00 гача.

Савдо ғолиби деб топилган шахсга 5 (беш) банк иш кунини ичида сотувчи билан олди-сот-ди шартномаси тузиш мажбурияти юклат-тилади. Савдода иштирок этиш учун ариза, закалат пули тўлангани ҳақидаги тўлов ҳуж-жати нусхаси, вакиллар учун ишончнома тақ-дим этилади.

Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан мўлк бошланғич баҳосининг 15 фоиздан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини “RMM” МЧЖнинг куйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 2260 4000 2005 7145 2001 “Давр банк” ХАТБ Олмазор филиали, МФО 01121, СТИР 200 933 850.

Аризаларни қабул қилиш ва савдо ўтқа-зиш манзили: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Ҳамид Олимжон кўчаси, 13-“А” уй. Тел.: 71-237-23-86.

001805 рақамли гувоҳнома.

# “Respublika mulk markazi” МЧЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдога таклиф этади!

Аукцион савдога Тошкент давлат юри-дик университетининг 2021 йил 19 апрелда-ги 7-01/1218-6-05-сонли бюртманомасига асосан, Тошкент вилояти, Урта Чирчиқ тумани, “ТошДАУ” массиви манзилида сақлана-ётган куйидаги мўлклар қўйилмоқда: 1. Домик 3-0609 00 00А. Бошланғич баҳоси – 3 780 000 сўм. 2. Домик L-6м (3-1113С6). Бошланғич баҳоси – 3 780 000 сўм.

Аукцион савдо 2021 йил 21 май кунини соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади.

Аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик). Аризаларни қабул қи-лишнинг охириги муддати: 2021 йил 19 май кунини соат 16.00 гача.

Юқоридаги асосий воситалар 2021 йил 21 май кунини сотилмаган тақдирда такрорий савдо 2021 йил 7, 24 июнь кунлари соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади. Такрорий савдо учун аризаларни қабул қилишнинг охириги муда-ти савдо бўлишидан бир иш кун олдин соат 16.00 гача.

Савдо ғолиби деб топилган шахсга 5 (беш) банк иш кунини ичида сотувчи билан олди-сот-ди шартномаси тузиш мажбурияти юклат-тилади. Савдода иштирок этиш учун ариза, закалат пули тўлангани ҳақидаги тўлов ҳуж-жати нусхаси, вакиллар учун ишончнома тақ-дим этилади.

Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан мўлк бошланғич баҳосининг 15 фоиздан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини “RMM” МЧЖнинг куйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 2260 4000 2005 7145 2001 “Давр банк” ХАТБ Олмазор филиали, МФО 01121, СТИР 200 933 850.

Аризаларни қабул қилиш ва савдо ўтқа-зиш манзили: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Ҳамид Олимжон кўчаси, 13-“А” уй. Тел.: 71-237-23-86.

001805 рақамли гувоҳнома.

## Саодатли онлар шукуҳи

Хайрулла АБДУЛЛАЕВ,  
Ўзбекистон  
мусулмонлари идораси  
Хоразм вилояти вакили.

**Юртимизда муборак Рамазон ойи бошланди. Унинг савобу самарасидан баҳраманд бўлиш иштиёқи ҳар бир юрдошимизни эзгу ишларга ундамоқда. Кўни-кўшни, қариндош-уруғлар бир-бирига янада яқинлашиб, қалбдаги пок ният ва истаklarини ошқор этишга интилади, муруватли, савобли ишларга кўпроқ қўл уради.**

Зеро, муқаддас Исломи динининг мазмун-моҳияти аслида инсонпарварлик, дўстлик, баҳамжиҳатлик каби олийжаноб туйғуларга асосланган. Ана шундай мақсадлар йўлида қилинган хайрли амалларнинг асосийси етим-есирлар, бева-бечоралар, бетоб кишилар, ёрдамга муҳтож инсонлар ҳолидан хабар олиш, уларнинг кўнглига йўл топишдан иборатдир.

Миллий урф-одатларимиз, диний қадриятларимизни янада асраб-авайлаш, исломи дини ва унинг мазмун-моҳиятини соф ҳолда авлодлар онгу-шуурига етказишдек савобли амалларимиз билан ёшларга ўрнатилган қилишга лозим. Дарвоқе, меҳр-шафқат, савоат, сабр-қаноат ва шукроналик рамзи – Рамазон ойининг ўзига хослиги маънавий-руҳий ҳаётимизда тугган ўрни беқийсидир.


Вилотимизда ҳам Рамазон ойига ҳар томонлама пухта тарадуд қўрилди, барча масжидлар, зиёратгоҳ ва қабристонларда ободонлаштириш ишлари олиб борилди. Шунингдек, Рамазон ойи давомида ташкил этиладиган тадбирларни қадриятлар, урф-одатлар ҳамда аъёнларимизни эъзозлаган ҳолда уйларда ўтказилишини

таъминлаш, ортиқча исрофгарчилик ва дабдабазорликка йўл қўйилмаслигига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Рамазон ойининг хосиятлари жуда кўп: ушбу ой одамлар учун ҳидоят, тўғри йўл ҳамда ажрим этувчи ҳужжатлардан иборат Қуръон нозил қилинган ойдир. Бу ойда рўза тутишни ният қилганларнинг соғлиғи яхши, тетик, касалликдан холи бўлиши лозим. Рамазон ойида ёлғиз кексалар, эҳтиёманд кишилар, ногиронлар, касалмандлар учун хайрия тадбирлари ўтказилади. Саховатпеша инсонлар томонидан уларга моддий ёрдамлар кўрсатилади. Имом хатиблар аҳоли ўртасида Муборак Рамазон ойининг халқимиз маънавий ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини, юртимиздаги осойишталик, шукроналик, истиқлол инъом этган неъматларнинг қадрига етиш ва уни асраб-авайлашни тарғиб этишга қаратилган давра суҳбатлари, маърифий сабоқлар ўтказилади.

Бу кунларда барча жойда кексалар, фахрийлар ўзларининг кўп йиллик ҳаётий тажрибасидан келиб чиқиб, ёшларни меҳр-муруватли бўлишга, хайр-саховат ишларини бажаришга, камтар, оқибатли, гўзал хулқли, одоб-иқромли, меҳнатсевар бўлишга ундаб, шу азиз юртимизнинг қадрига етиш, унинг гуллаб-яшнаши йўлида астойдил ҳаракат қилишга ундашлари Рамазон ойига хос бўлган кўп қадимий эзгу амалларимиз билан чамбарчас боғлиқ кетиши бежиз эмас.

Ҳа, Рамазон ойида инсонийлик хос бўлган маънавий поклик, шукроналик фазилатларини янада намоён бўлиши учун муқаддас динимиз ақидаларини эъзозлаб, буюк алломалар, азиз-авлиёларнинг мўътабар қадамжоларини янада обод қилиш ишларида қўлимиздан келганича ҳаракат қилиш ҳар биримиз учун ҳам қарз, ҳам фарзидир.



## Ободлик касб этган муқаддас қадамжо

**Етти пирлардан бири Саййид Амир Кулол мангу макон топган Бухоро вилояти Когон туманидаги зиёратгоҳ кейинги йилларда янада ободлик касб этди.**

Зиёратгоҳ ҳудудида кенг қўламдаги қурилиш, таъмирлаш ишлари бажарилди. Хусусан, мавжуд иншоотлар таъмирланиб, ҳудудда замонавий ва миллий андозалар асосида янги объектлар қурилди. Ёғоч ўймакорлигининг ноёб усулларида фойдаланиб, устунли ҳордиқ олиш жойлари, ёзги айвонлар барпо этилди. Зиёратчилар учун барча шароит ва қулайликлар яратилди. Ён-атрофда гулзор ва яшил майсазорлар ташкил қилинди. Маҳаллий ҳамда хориждан келтирилган ноёб манзарали дарахтлар, буталар масканга ўзгача кўрк бермоқда. Муқаддас қадамжога зиёратчилар ташрифи эса тобора ортмоқда.



Суратларда: Бухоро вилояти Когон туманидаги Саййид Амир Кулол зиёратгоҳида. Тохир ИСТАТОВ (ЎзА) олган суратлар.

## Нукус шаҳрида учта масжид қурилади

Марат УЛПЕТОВ,  
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Мамлакатимизда буюк олим ва уламоларнинг илмий меросларини чуқур ўрганиш, ёшларни Ватанга муҳаббат, илмли, зулқо авлод этиб тарбиялашга давлат сиёсатининг муҳим йўналиши сифатида эътибор қаратилмоқда.**

Бунди Президентимиз ташаббуси билан жуда катта эзгу ишлар бўлаётгани, диний соҳада ҳам эришилган муваффақиятлар ва ўзгаришлар мисолида қуриш мумкин. Айни пайтда юртимизда бир қанча масжидлар таъмирдан чиқарилди, янгилари қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Халқимиз андиқда барча қулайликларга эга масжидларда эркин ибодат қилаётганликларидан кўнглилари қувончга тўла. Утган йили Мўйноқ туманида "Ҳақим ата" масжиди очилган бўлса, бу йил Нукус шаҳрида "Муҳаммад Баҳий ийшан", Қўнғирот туманида "Молла Исҳақ" ва Мўйноқ туманида "Қарақум ий-

шан" масжидлари фаолиятини бошлади. Яна бошқа кўпгина масжидлар таъмирдан чиқариляпти.

Жумладан, шу йўналишда Нукус шаҳридаги учта масжиднинг қурилиш ишларини бошлашга бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси Ўринбосари Э. Дурдиев, Қорақалпоғистон мусулмонлари қозиси Ш. Бауадиннов, Нукус шаҳри ҳокими У. Панаев ва нуруний оқсоқоллар қатнашди.

Янги масжидлар Нукус шаҳридаги "Қум аул", "Аланияз қаҳарман" ва "Саманбай" МФЙ ҳудудларида қурилади.

Янги лойиҳалар

## 220 ўринли "Замонавий мактаб"

Райҳона ХҲАЕВА,  
"O'zbekiston bunyodkori"  
мухбири.

**Лойиҳачи:** "Arxdizayn" МЧЖ.  
220 нафар ўқувчига мўлжалланган 11 йиллик умумий ўрта таълим мактаби лойиҳага кўра, 3 қаватдан иборат бўлиши режалаштирилган.

**Қурилиш бўйича умумий маълумот:** иншоот пойдеворлари монолит темир-бетон, лентали В 15 маркали бетондан ишланган. Деворлари фиштли, панелли, сендвичли. Цоколь панелли, монолитли, темир-бетон ёки йиғма блокли. Бино каркиси темир-бетон каркасдан иборат. Том профнастил тунука билан ёпилган. Деразалар пластик, эшиклар МДФ, пластик, алюминдан.

**Қурилиш объекти бўлинмалари:** мактаб биноси 3 та мустақил блокдан ташкил топган. Блоклар бир-бири билан йўлак орқали боғланади.

**"А" блок.** 3 қаватли (ертўласиз) ўқув биноси бўлиб, ўлчами 14,80x48,0 метр. Бинонинг кириш қисми 13,2x3,0 метр бўлиб, унда тамбур ва кўриқлаш хонаси жойлашган. Ушбу блокда қоровулхона, 2 минг китоб захирасига эга кутубхона, "STEAM лаборатория", техник хона ва ҳожатхоналар жойлашган.

Бундан ташқари, директор хонаси, қабулхона, ўқитувчилар хонаси, тиббий ёрдам кўрсатиш хонаси, ўғил болалар учун устахоналар, қизлар учун уй-рузғор ишлари ва кулинария хонаси, бошланғич синфлар учун синфхоналар, чет тили ўқув хоналари лойиҳалаштирилган.

**"Б" блок.** 2 қаватли, тўғри тўртбурчак шаклда бўлиб, ўлчами 15,0x12,0 метр.

1-қаватда 68 ўринга мўлжалланган овқатланиш зали ва ёрдамчи хоналар, 2-қаватда эса 90 ўринга мўлжалланган фаоллар зали, саҳна ва ёрдамчи хоналар мавжуд. 1-қаватнинг баландлиги полдан шифтгача 3,30, 2-қават эса 4,20 метр.

**"В" блок.** 1 қаватли бўлиб, унда спортзал ва ёрдамчи хоналар жойлашган. Тарх ўлчами 12,20x31,00 метрни ташкил қилади. Биринчи "А" блок билан йўлак орқали бирлашган, йўлакнинг тарх ўлчами 5,50x3,0 метрдан иборат.

**Қурилиш майдони** – 3 042 м<sup>2</sup>.  
**Қурилиш ҳажми** – 1 360,0 м<sup>3</sup>.  
**0,000 дан юқори қисми** – 14 635,0 м<sup>3</sup>.



220 ўринли мактаб биносининг иситиш тизими бош планда кўрсатилган жойдаги қозонхона биноси орқали таъминланади. Қозонхона табиий газ ёки қаттиқ ёнилғи билан ишлайди. Шамоллатиш тизими механик ва табиий. Сув таъминоти

артезиан қудуги орқали амалга оширилади. "Замонавий мактаб" лойиҳасига биноан, мактаб ённинг хавфи сигнализациялари, тутундан хабар берувчи қурилмалар, ённинг хавфи тўғрисида марказлашган хабар бериш тизими билан таъминланади.

## Таваллуд айёмингиз муборак бўлсин!

Апрель ойининг шу кунларига таваллуд айёмларини нишонлаётган

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги матбуот хизмати бош мутахассиси **Чарос Садинова**, девонхона кичик мутахассиси **Эльмира Баймуратова**, "Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси" ДУК етакчи мутахассиси **Адолат Пардаева**,

Андижон вилояти қурилиш бош бошқармаси бўлим бошлиғи **Азизбек Қосимов**, Жалақудук тумани қурилиш бўлими Шаҳарсозлик қонунчилигига риоя этилиши назорати бўйича архитектори **Авазбек Ахмадҷонов**,

Бухоро вилояти қурилиш бош бошқармаси етакчи мутахассиси **Шамшод Шарипов**,

Жиззах вилояти қурилиш бош бошқармаси Лойиҳа ва пудрат ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи **Махмуд Мамадияров**,

Қашқадарё вилояти қурилиш бош бошқармаси Ходимлар ҳамда махсус ишлар бўлими нозир **Бўстон Максамова**,

Самарқанд вилояти Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси етакчи мутахассиси **Азизбек Холмуродов**,

"Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси" ДУК Тошкент вилояти филиали юриси **Абдуллажон Толибжонов**, етакчи мутахассиси **Ҳабибулло Мирзабеков**ларни таваллуд кўни билан чин дилдан муборакбод этамиз.

**Уларга сихат-саломатлик, узоқ умр, оилавий хотиржамлик, файз-баракат, мустақам соғлиқ тилаймиз!**

## 264 ўринли "Замонавий мактаб"

**Лойиҳачи** "Arxdizayn" МЧЖ.  
**Қурилиш объекти бўлинмалари:** 264 ўқувчига мўлжалланган намунавий лойиҳа 3 та мустақил блокдан ташкил топган ва бир-бири билан йўлак орқали боғланган.

**"А" блок.** 3 қаватли (ертўласиз) ўқув биноси бўлиб, тарх ўлчами 14,80x54,0 метр.

1-қаватда тамбур, қоровулхона, вестибюль, йўлак, тадбирлар учун хона, тиббий ёрдам хонаси, ўқув хонаси, "STEAM laboratoriya", 2 минг китоб захираси сақлови билан кутубхона, ўғил болалар устахонаси, қизлар уй-рузғор ишлари ва кулинария хонаси, техник ёрдам хонаси, техник хоналар, электр таъминоти хонаси, ҳожатхона, ўқитувчилар хонаси, директор ўрин-


босари ва директор хонаси ҳамда қабулхона жойлашган. 2-қаватда йўлак, меҳнат таълими хонаси, ўқув хоналари, психолог хонаси, ҳожатхоналар, информатика хонаси бўлиши режалаштирилган. 3-қаватда эса рус тили хонаси, ўқув хоналари, мусиқа хонаси, логопед кабинети, инглиз тили хонаси жойлашди.

**"Б" блок.** 2 қаватли бўлиб, тарх ўлчами тўғри тўртбурчак шаклида, 15,0x12,0 метрдан иборат. 1-қаватда 68 ўринга мўлжалланган овқатланиш зали ва ёрдамчи хоналар жойлашган. 2-қаватдан эса 90 ўринга мўлжалланган фаоллар зали, саҳна ва ёрдамчи хоналар ўрин эгаллаган. 1-қаватнинг баландлиги полдан шифтгача

3,30 метр. 2-қават эса 4,20 метрни ташкил қилади. Блоклар йўлаклар орқали боғланган, йўлак тарх ўлчами 5,50x3,0 метр.

**"В" блок.** 1 қаватли бўлиб, унда спортзал ва ёрдамчи хоналар жойлашган. Тарх ўлчами 12,20x31,00 метр. "А" блок билан йўлак орқали бирлашган, тарх ўлчами 5,50x3,0 метрни ташкил қилади.

264 ўринли мактаб биносининг иситиш тизими қозонхона биноси орқали таъминланади. Қозонхона табиий газ ёки қаттиқ ёнилғи билан ишлайди. Иссиқлик манбаи 95-70С параметрли сув тармоғи бўлиб, шамоллатиш тизими механик ва табиий. Сув таъминоти артезиан қудуги орқали амалга оширилади.



**Тахрир хайъати:**  
Батир Закиров (Тахрир хайъати раиси),  
Козим Туляганов, Эркин Исқандаров,  
Ботир Зарипов, Юлдаш Мағрупов,  
Жамшид Исмаилов, Фолибжон Маджидов,  
Қудратбек Хошимбеков.

**Тахририят:**  
Бош муҳаррир  
Бош муҳаррир ўринбосари  
Саҳифаловчи  
Мусаххич

**Дилшод Жалолов**  
**Абдусами Ҳақбердиев**  
**Акmal Махкамов**  
**Марҳамат Муслмонқуллова**

Газета «Ўзбекистон бунёдкори» Нашриёт уйи МЧЖ томонидан нашрга тайёрланди.

**«Ўзбекистон бунёдкори»**  
**Нашриёт уйи МЧЖ муассислари:**  
Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги,  
«Ўзсанотқурилишматериаллари» уюшмаси,  
«ЎзГАСҲКЛИТИ» ДУК,  
«ЎзшаҳарсозликЛИТИ» ДУК,  
«Қишлоқ қурилиш инвест» ИК МЧЖ,  
«ЎзгеорангметЛИТИ» ДУК.

**Тахририят манзили:**  
100011, Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 6-уй.  
**Телефонлар:** 71-244-21-71 (қабулхона),  
71-244-15-13 (котибият),  
71-244-22-10 (бухгалтерия),  
71-244-15-05 (реклама ва обуна бўлими).  
**E-mail:** uzbyunyodkori@umail.uz

**Вилоят мухбирлари телефон рақамлари:**  
**Қорақалпоғистон Республикаси:** 90-590-37-15.  
**Андижон вилояти:** 93-410-15-18.  
**Бухоро вилояти:** 99-705-50-15.  
**Жиззах вилояти:** 99-525-30-05.  
**Навоий вилояти:** 99-731-17-40.  
**Наманган вилояти:** 90-553-02-34.  
**Самарқанд вилояти:** 91-981-61-63.  
**Сурхондарё вилояти:** 90-230-85-23, 90-163-63-82.  
**Фарғона вилояти:** 99-503-43-39.  
**Қашқадарё вилояти:** 97-459-74-85.  
**Хоразм вилояти:** 97-459-74-85.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган.

Нашр индекси – 466. Буюртма – Г-443. 2649 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилган. Баҳриси келишилган нархда. ISSN 2181-8762. Тахририятга келган қўлезмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газета тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

**Корхона манзили:**  
Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41.  
**Навбатчи муҳаррир** – А. Ҳақбердиев.  
**Навбатчи** – И. Ибодулло.

ЎзА якуни – 22.05. Топширилди – 22.50.

1 2 3 4 5 6